

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 12 апрель куни бўлиб ўтган тантанали маросимда фавулодда ва мухтор элчилар - Фаластин Давлатидан Жавад Авад, Япониядан Такаши Хатори, Қатар Давлатидан Ҳасан Ҳамза Ҳошим, Словакия Республикасидан Виктор Борецки ва Покистон Ислам Республикасидан Аҳмад Фарукнинг ишонч ёрликларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизга янги тайинланган дипломатик миссиялар раҳбарларини самимий кутлаб, Ўзбекистондаги фаолиятини бошлагани билан табриклади.



Президент Шавкат Мирзиёевга Туркияда «Тогд» бренди остида ишлаб чиқарилган илк миллий электромобиль тақдимот қилинди.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған номидан юборилган машина калитини ушбу мамлакат саноат ва технологиялар вазири Мустафо Варанк топширди. Давлатимиз раҳбари электромобиль рулига ўтириб, уни ҳайдаб кўрди.



2023-yil  
13-aprel  
payshanba  
№ 46  
(4798)

# Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lidа birlashaylik!

Ўзбекистон касабa uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Давлатимиз раҳбари томонидан 2023 йил 11 апрелда «Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун имзоланди.



Ўзбекистон аҳолиси ҳар кўни ўртача қариб 2 МИНГ КИШИГА кўпаймоқда

Статистика агентлигига кўра, 2023 йилнинг 1 апрель ҳолатига республиканинг доимий аҳолиси

### 36 197 781

кишини ташкил этган.

Республиканинг доимий аҳолиси ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 2,2% га ёки 172,8 миң кишига ошган.

Мамлакат аҳолиси шу йилнинг ҳар ойида ўртача 57,6 миң кишига кўпайган, кўнига эса ўртача 1,9 миң кишига кўпаймоқда.

### Миннатдорлик



Ўзбекистон касабa uyushmalari Федерацияси Тошкент вилояти кенгашининг Мурожаатлар билан ишлаш бўлимига Президент портали орқали келиб тушган мурожаат анча ўзгача таассурот қолдирди.

Унда ишга тикланишида қўллаб-қувватлаган касабa uyushmalari масъулари ва Омбудсманнинг ҳудуддаги вакилига миннатдорлик билдирилган эди.

Маълум бўлишича, Нурафшон шаҳри «Янгиобод» МФИда яшовчи Дилноз Маманова маҳалла идорасида хотин-қизлар етакчиси вази-фасида ишлаган. Бироқ ишга қабул қилиниш вақтида ҳеч қандай меҳнат шартномаси тузилмаган. Ишлаб юрган кунларнинг бирида тоби қочиб қолади. Даволаниш якунига етгач, сиртки бўлимдаги тахсилнинг навбатдаги таълим босқичи бошланади. Натихада бироз муддат ишга боролмайди. Шу сабабга

кўра, Нурафшон шаҳар ҳокимлиги Оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан ҳеч қандай огоҳлантиришсиз уни ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ чиқарилади. Ёлғиз, унинг устига икки нафар вояга етмаган фарзанднинг онаси Д.Маманова касаллик варақаларини ва ўқиш жойидан маълумотномаларни тақдим этса-да, инobatга олинмаганидан қаттиқ тушқунликка тушади.

Дилноз Маманова турли идораларга мурожаат қилади. Суриштирув ва ўрганишлардан сўнг суд бўлиб ўтади. Федерациянинг вилоят кенгаши юрисконсулти ҳамда Омбудсманнинг вилоятдаги вакили қатнашган судда ходим ишга қайта тикланишига эришилади. Етказилган моддий ва маънавий зарар учун унинг фойдасига 30 миллион сўм ундириб берилди.

Шу воқеалар баён этилган хат «Тушқунликдан чиқарилганларга ташаккур айтаман» деган сўзлар билан якунланган эди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА «ISHONCH»



Навоий вилояти

Янгилаётган Конституция лойиҳаси билан танишар эканман, унинг аксарият модда ва нормаларида хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясига ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун яратилиши лозим бўлган имкониятлар кенглигига қараб, кўзларимга ёш келди.

### Эъзоз

## Аёлга қараб миллатнинг гурури англанади

Жумладан, унинг 42-моддасида «Ҳомиладорлиги ва боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақларини камайтириш тақиқланади», дейилиши ҳам аёлларга бўлган юксак эътибордан, мамлакатимизда хотин-қизларнинг қадри бўлакча эканидан далolat беради.

Илгари ишга кирмоқчи бўлган аёлнинг қўлида эмизикли боласи бўлса ёки қорнида ҳомилиси борлиги аниқ бўлса, уларни ҳеч ким ишга олмас эди. Ҳаттоки, бошлиқдан сўроқсиз фарзанд туғиш илинжида юрган ёш келинлар ишдан бўшатиб юборилар эди. Аксига олиб, уларнинг арз-додини эшитадиган мутасаддилар ҳам мудраб ётарди. Мен Олий Мажлис депутати бўлган пайтларимда бундай муаммолар ҳақида кўп фикр билдирганман. Аммо тақлифларимнинг бирортаси инobatга олинмаган.

Мана, вақти келди, бизнинг ҳақ-ҳуқуқларимиз Конституция ва тегишли қонунлар асосида ҳимоя қилинмоқда. Аминманки, аёл киши ишли, хунарли, тадбирли бўлса, ҳамма жойда ҳимоя кўргони борлигига ишонса, сира нолимайди. Бундай аёллар оила, миллат ва юрт қорига ярай олишади.

Мен, янги таҳрирдаги бош қомусимизнинг айнан 42-моддаси учун ҳам референдумда оилам билан қатнашман ва адолатга яқдил овоз бераман. Зеро, ҳамиша ва ҳамма жойда аёлнинг имкониятлари, турмуш тарзига қараб миллатга баҳо берилади.

Анора БОБОМУРОВА,  
Таълим ва фан ходимлари касабa uyushmasi Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

### Ҳуқуқ

## ТўЛАНМАГАН ТОВОН ПУЛИ УНДИРИЛДИ –

# 250 000 000

Фалокат-да... Санитария-эпидемиологик, осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Фарғона вилояти бошқармаси дори-дармон омбори мудири Жаҳонгир Мирзакаримов хизмат сафари чоғида автоҳалокатга учраб, оёқлари синади. Шифохонада чап оёғи ампутация қилинади.

Мазкур ҳолат юзасидан Фарғона шаҳар ТМЭКнинг хулосасига кўра, Жаҳонгир Мирзакаримовга меҳнат қобилиятини 70 фоизга йўқотганлиги сабабли II гуруҳ ногиронлиги тайинланади. Аммо...

Бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномасида Жаҳонгир Мирзакаримовга зарар тўловларини амалга ошириш кўрсатиб ўтилишига қарамай, иш берувчининг фуқаролик жавобгарли-

гини мажбурий суғурта қилган суғурта компанияси товон пули тўлашни ҳар хил важлар билан кечиктиради. Ваҳоланки, бу ҳолатда Ж.Мирзакаримовга бир марталик ва ойма-ой тўланадиган нафақалар тўланиши лозим эди.

Суғурта компанияси ва бошқарма масъулари билан олиб борилган музокара жараёнида уларга Меҳнат кодексининг 189-, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 177-сонли қарори талаблари тушунтирилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабa uyushmasi Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат инспекторининг сазй-ҳаракати ва икки ой давом этган тушунтиришлардан сўнг Ж.Мирзакаримовга суғурта компанияси томонидан 250 миллион 317 миң 758 сўм товон пули ундириб берилишига эришилди.

Бу ҳолатга касабa uyushmalarининг меҳнат инспектори аралашмаганда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилган суғурта компанияси жабр кўрган хо-

димга товон пулини тўламасдан вазиятдан осонгина чиқиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Бахтсиз ҳодиса натихасида ногирон бўлиб қолган жабрланувчи эса «кўргулик экан-да» деб кўя қолар-миди...

Равшанжон ФОЗИЛОВ,  
Соғлиқни сақлаш ходимлари касабa uyushmasi Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат инспектори





Мамлакатимизда амалга оширилаётган тўб ислохотлар ва ўзгаришлар замирида юрт тинчлигини ва эл фаровонлигини таъминлаш, халқимиз манфаатлари йўлида хизмат қилишдек эзгу ниятлар мужассамлашган. Бу саяё-ҳаракатлар марказига «Халқимизни рози қилайлик!» деган олижаноб ғоя қўйилгани асл мақсадимизнинг нақадар ҳаётбахшлигидан далолат беради. Шунинг билан олиб борилаётган амалий ишлар эса инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлик ва тенглик каби умумбашарий қадриятлар қарор топишига, одамларнинг ҳаёти ва турмуш фаровонлиги яхшиланшига хизмат қилаётир.



**Фаолият**  
**Нурматулла ПАРДАЕВ,**  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашининг раиси, сенатор



# Тараққиётнинг жозибали жилвалари

Вилоятимизда янги sanoat корхоналари қуриш учун сўнгги олти йилда қарийб 5 миллиард долларлик инвестиция жалб қилинди. Натижада 2 мингга яқин янги корхона барпо этилиб, ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 бараварга ошди. Аниқроғи, илгари вилоят sanoat маҳсулоти асосан пахта толасидан иборат бўлган бўлса, ҳозир электр техника, оптик тола, автомобиль, мураккаб кимёвий моддалар, энерготехжамкор материаллар каби юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Шунинг баробарида 54 мингга яқин кишининг бандлиги таъминланди.

Жорий йилда 750 миллион долларлик 10 та йирик лойиҳа ва 580 миллион долларлик 110 та ҳудудий sanoat лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилиши ва 7,5 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Вилоятда биргина базальт захираси 26 миллион тонна бўлиб, республикада мавжуд жами захиранинг 25 фоизини ташкил этади. Ҳозир ундан талаб катта бўлган 7 хил замонавий маҳсулот тайёрлана бошлади ва Форш туманидаги 6 та корхона ахлит кластерга айланди. Бу йил қурилиш материаллари бўйича 460 миллион долларлик 31 та лойиҳа ишга туширилди. Келгуси икки йил давомида эса вилоятда автомобилсозлик ва металлургия соҳаларига доир йирик лойиҳалар ишга туширилди.

Ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришда «Яшил энергия»га алоҳида аҳамият қаратилади. Бу келгусида «Яшил иқтисодиёт»ни боسقичма-боسقич кенг ривожлантиришга замин яратилади. Энергия тақчиллиги кузатилаётган ҳозирги даврда унинг муқобил турларини амалиётга жорий этиш ва кенг фойдаланиш чоралари кўрилади. Ижтимоий соҳа ва давлат идоралари биноларига 5 мегаваттлик қуёш панеллари ўрнатилиши эъзига улар бу йил 5 миллион киловатт соат энергия билан таъминланади. Президентимиз Жиззах вилоятга ташрифи чоғи вилоятда 2 минг мегаватт қайта тикланувчи энергия манбалари учун салоҳият борлигини таъкидлаганди. Шунга кўра, 270 мегаватт қуёш энергияси қувватлари ишга туширилади.

**ИШЧИ-ХОДИМЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРГАНМИЗ ТУФАЙЛИ ЖАМИ 2601 НАФАР ШАХСНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ, УЛАРНИНГ ФОЙДАСИГА 1 МИЛЛАРД 513 МИЛЛИОН 889 МИНГ СЎМ МИҚДОРИДАГИ ЗАРАР ПУЛЛАРИ УНДИРИБ БЕРИЛИШИГА ЭРИШИЛДИ. КАСАБА УЮШМАЛАРИГА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ТУШГАН 371 ТА МУРОЖААТНИ КЎРИБ ЧИҚИШ АСОСИ ХОДИМЛАРНИНГ БУЗИЛГАН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТИКЛАШ БЎЙИЧА ИШ БЕРУВЧИЛАРГА 76 ТА ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛДИ. СУДЛАРГА КИРИТИЛГАН 46 ТА ДАЪВО-АРИЗДАН 35 ТАСИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ.**

Унинг ҳисобига 236 миллион киловатт соат энергия нишлаб чиқарилиб, танқислик ортиғи билан қопланади ва 71 миллион куб метр газ тежалади.

Айни кезларда ушбу лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган. Ҳаллолорда Бирлашган Араб Амирликларидagi «Масдар» компаниясининг 200 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестицияси ҳисобидан 220 мегаваттлик йирик қуёш станцияси қурилиши бошланди. Келаси йил бу станция тўлиқ қувватда ишлаши натижасида 500 миллион киловатт соат электр энергияси олинади ва вилоят эҳтиёжининг 20 фоизи қопланади.

Шунингдек, ижтимоий соҳа ва давлат идоралари биноларида 5 мегаваттлик, sanoat зонаси ва тадбиркорлар биноларида 15 мегаваттлик қуёш панеллари ўрнатиш мумкин. Аҳоли хонадонларига 8 мегаваттлик қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатиш учун зарур шароитлар яратилади.

Бир неча йил бурун вилоятимизда бармоқ билан санарли миқдорда sanoat маҳсулотлари тайёрланарди. Ушанда вақти келиб, Жиззахда ҳам машина заводи қад ростланиши ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Зеро, бугун бу ерда сон-санокис саноат маҳсулотлари тур-тури билан ишлаб чиқарилмоқда. Президентимизнинг ташрифи шарофати билан уларнинг сони янада кўпаядиган бўлди. Жумладан, базальтдан йилга 5 минг тонна композит қувурлар тайёрланади. «Mono Electric»да 1500 турдаги электр техника маҳсулотлари, «Super medical elements»да 40 турдаги тиббий буюмлар ишлаб чиқарилади. Ушбу корхоналарда 700 дан ортиқ юқори даромадли доимий иш ўринлари яратилади. Демак, кўпгаб оилаларнинг турмуш тарзи яхшиланади.

Маълумки, сўнгги вақтларда барча даражадаги раҳбарлар маҳаллаларга бориб, ўз соҳаларига тааллуқли муаммоларни ўрганишмоқда ва уларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилишмоқда. Унинг натижаларини одамлар ўз ҳаётларида ҳис этишмоқда. Ушбу жараёнларда биз, қасаба уюшма фаоллари ҳам бевосита иштирок этипмиз. Айниқса, аҳоли билан алоқа ва жамоатчилик билан шериклик масалалари доимий равишда эътиборимизда бўлмоқда. Жойларда одамлар билан учрашувлар, сенатор қабуллари ўтказилиб, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинмоқда ва уларга кўмаклашилмоқда.

Бунда маҳалланин ҳам ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Айниқса, фуқаролар йиғинлари фаолларининг жараёнлар марказида бўлиши, маҳалласида мавжуд энг муҳим муаммоларга ечим топиш масаласини ҳокимликлар олдида дадил қўйиши бўйича янги амалиёт тизими яратилмоқда. Бажарилган ишлар самараси ўлароқ, қасаба уюшмалари сафи кенгайиб бораётир. Чунончи, бултур вилоятимизда 694 та янги корхона қасаба уюшмаларига жалб этилиб, 7500 нафардан ортиқ ходим аъзоликка қабул қилинди.

Ишчи-ҳодимлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга эътиборни кучайтиргани-

миз туфайли жами 2601 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланиб, уларнинг фойдасига 1 миллиард 513 миллион 889 минг сўм миқдоридagi зарар пуллари ундириб берилишига эришилди.

Қасаба уюшмаларига жисмоний шахслардан тушган 371 та мурожаатни кўриб чиқиш асоси ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича иш берувчиларга 76 та тақдимнома киритилди. Судларга киритилган 46 та даъво-аризадан 35 таси қаноатлантирилди.

Одамларнинг маънавий савияси ўсиши қасаба уюшмалари самарали ишлашининг муҳим омили саналади. Уюшмамиз ўтган йили маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни тизимли равишда ташкил этишга жиддий эътибор қаратди. Ходимлар ўртасида миллий ғоя тарғиботини ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича йиллик «Йўл харитаси» тасдиқланиб, қўйи ташкилотларга ижро учун етказилди.

Умумхалқ байрамлари ва муҳим саналар меҳнат жамоаларида кенг нишонланди. Қутлуг айёмлар арафасида қасаба уюшма ташкилотлари томонидан аҳолининг турли қатламларини моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашга, инсонпарварлик тадбирларини амалга оширишга қаратилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий акциялар ўтказилди.

Аҳолининг уй-жой муаммосини ҳал этиш бўйича кейинги беш йилда юртимизда, ипотека дастурлари доирасида кўпгаб уй-жойлар барпо этилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўз хонадонга эга бўлиш меҳнат самарадорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида компьютер саводхонлигини юксалтириш, интернет тезлигини ошириш ва таннархини боسقичма-боسقич пасайтириб бориш бўйича ҳам салмоқли ишларга қўл урилди. Сўнгги йилларда камбағалликни қисқартириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг кўллаб-қувватлаш ишлари муваффақиятли ташкил этилаётгани ҳамюртларимиз ҳаёти фаровонлашишига хизмат қилимоқда.

«Инсонга эътибор ва сифатли таълим» йилида амалга оширилаётган бу каби ишлар инсон қадрини улуг'лашга қаратилган. Ўйлаймизки, келгусида ҳам давом этирилайдиган айни йўналишдаги ишлар ҳам биримизнинг ҳаётимизга том маънода еруғлик бағишлайди.



**Тадбир**  
**Тошкент шаҳри**  
Юртимизда янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган тўзатишлар ва ўзгартиришларни ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари қизгин давом эттирилмоқда. «Конституция – меники, сеники, бизники! Конституция ўзимизники!» шиори остида ўтказилаётган ана шундай тадбирлардан бири Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан уюштирилди. Унга кенгашга аъзо ташкилотлар вакиллари таклиф этилди.

## Меҳнат аҳли доимо эътиборда

Йиғилиш аввалида кенгаш раиси Гулноза Тошпўлатова сўзга чиқиб, давра аҳлини янги-янги Конституциямиз сабабли Меҳнат кодексига киритилган ўзгартиришлар билан таништирди. Бу кодексда ишчи-ҳодимлар учун қонунан белгиланган янги меҳнат кафолатлари, имтиёзлари ва ижтимоий ҳимоя масалалари ўз ифодасини топгани хусусида тушунчалар берди.

– Янги кодексда меҳнат аҳлини ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган, – деди Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши инспекцияси Тошкент бўйича меҳнат-ҳуқуқ инспектори Муҳиддин Содиқов. – Чунончи, иш берувчининг мажбуриятлари, жамоа шартномаси асосида ишлаш тартиби, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш, ходимни ишдан бўшатишда қасаба уюшмасининг розилиги муҳимлиги ва яна бир қанча қўшимча кафолатлар белгиланган.

Тадбирда 30 апрелда бўлиб ўтадиган референдумда барча иштирокчилар фаоллик кўрсатишлари муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

**Раъно МАҲКАМОВА**  
«ISHONCH»



**Буҳоро вилояти**  
Яқинда мактабимиз жамоаси қасаба уюшма ташаббуси билан Тошкент шаҳри ва вилояти бўйлаб ташкил қилинган саёҳатга чиқди.

## ТААССУРОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари кўздан кечирилгач, маданий дам олиш муассасаларида ҳордиқ чиқарилди. Саёҳатнинг иккинчи куни Тошкент вилоятидаги «Амирсой» дам олиш масканида ўтди. Устозлар у ерда табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлдилар. Сайру саёҳат кунлари уларга «Хонсарой» меҳмонхонаси ходимлари намунали хизмат кўрсатишди. Қўли ширин ошпазлар лаззатли таомлар билан хушнуд этишди. Саёҳатдан олам-олам таассуротлар билан қайтар эканмиз, юрагимизда янада яхшироқ ишлаш, бор куч ва ғайратимизни ёш авлodge баҳшида этиб, буюқ Ватанимизнинг келажакдаги истиқболини таъминлашга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ улуш қўшишдек эзгу ният жўш урди.

**Соҳиба ЖУМАЕВА,**  
Ғижувон туманидаги 27-мактаб ўқитувчиси

## Германия сўнгги АЭСни тўхтатмоқчи

Шу йилнинг 15 апрель куни Германия қолган барча атом электр станцияларини ҳам тўхтатишни режалаштирмоқда. Бу ерда гап учта энергоблок ҳақида бормоқда, деб хабар тарқатди EuroNews.

Қайд этилишича, ушбу АЭСларни ўтган йилнинг охири ойларида тўхтатиш режалаштирилган эди. Аммо Украинадаги вазият ва ундан кейин бошланган энергетика инқирози ушбу режанин ортга сурилишига сабаб бўлган. Ҳатто, инқироз шароитида энергоблокларни нафақат тўхтатмаслик, балки аввал тўхтатилган реакторларни ҳам қайта ишга тушириш кераклиги ҳақидаги фикрлар ҳам билдирилганди.



## Мигрантлар сабаб фавқулодда режим



Италия ҳукумати муҳожирлар оқими кўплиги сабабли мамлакатда фавқулодда ҳолат режимини эълон қилди. dw.comнинг ёзишича, мамлакатнинг энг кўп жабрланган жанубий ҳудудларига 5 миллион евро миқдоридa ёрдам кўрсатилади. Мабағлар, жумладан, янги қочқинларни қабул қилиш марказларини очишга сарфланади.

Маълумотларга кўра, йил бошидан бери Италияга 31 мингдан ортиқ ноқонуний муҳожир келган. Қочқинлар Тунис ва Ливиядан Ўрта Ер денгизи орқали жанубий Италия ва Малтага ўтишга ҳаракат қилишмоқда, аммо яроқсиз қайиқлар сабаб уларнинг ҳалок бўлиши ортиб бораётир.

Италия бош вазири Жоржа Мелони февраль ойида ҳукумат кейинги фалокатларнинг олдини олиш учун ноқонуний миграцияни тўхтатишга қарор қилганини айтган эди.

# Оламда

## Сурия АДЛга қайтиши мумкин

«Al-Hadath» телеканалининг хабар беришича, Форс кўрфазидagi араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши ўз йиғилишида Суриянинг Араб давлатлари лигасига тўлиқ аъзолигини тиклаш масаласини муҳокама қилмоқчи.

Кенгашга Баҳрайн, Қатар, Кувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон ва Саудия Арабистони киради.

Суриянинг Араб лигаси аъзолиги 2011 йил ноябрь ойида мамлакатда бошланган ички инқироз авжига чиққан пайтда тўхтатилган эди.



# ҚАЧОНГАЧА БЕФАРҚ БЎЛАМИЗ?

Бир кунни шаҳар марказидаги олий таълим маскани олдида ўтаётган, йўл четида чиқиндилар уюлиб ётганига дуч келдим. Йўлак бўйлаб борарканман, яқингинада жойлашган электр таъминоти идорасидан чиққан фаррош аёлга кўзим тушди. У ҳам кўлидаги чиқиндини шу жойга иргитди. Чидай олмай сўз қотдим:

– Кечирасиз, шунини махсус жойга тўксангиз, бўлмайми?

– Урна қўйилмас, нима қилайлик? – терс жавоб қилди аёл.

Манзилга етгунча маҳаллалар ичидан ўтиб, ойлаб супурилмаган кўчаларга кесилиб, йиғиштириб олинмаган шох-шаббалар, ҳар жой-ҳар жойда ётган чиқинди уюмларидан дилим хижил тортиди.

Шифокорлар саломатлигим учун тавсия қилишгани боис кўпроқ яёв юраман. Йўллар чети ёки маҳалла ичкарида, афсуски, шундай эътиборсизликларга бот-бот дуч келаман.

Уч йилдан буён янги қурилган кўпқаватли уйда яшайман. Мазкур уйга бир-бирига нотаниш бўлган оилалар кўчиб келишган. Ҳали борди-келди, қўни-қўшнилик қадриятлари етарлича йўлга қўйилмагани учунми, 500 метр нарида жойлашган чиқинди қутилари оёғи етмаганлар (болами, катта кишими) бинолар атрофига чиқинди тўкиб кетишни одат қилишган. Бир неча бор огоҳлантиришларга қарамай, бу ҳали-ҳануз давом этиб

келмоқда. Биноларнинг кириш йўлакларига ҳам номутаносиблик қузатилади.

Йўлаб қоламан. Ҳаётимиз кундан-кунга фаровонлашиб, замонавий техникалар шарофати билан юмушларимиз осонлашиб бораётгани сари лоқайдлашиб бормаяпмизмикин? Нега ота-она ва бобо-бувиларимиз қадрлаб, бизгача етказган гўзал қадриятларни унутиб қўяпмиз? Ахир турли офатлар – зилзила, сув тошқинлари, аномал совуқ кабилар билан табиат биздан ўчини олишга киришганини кўра-била туриб нега шунга монанд муносабатда бўла олмаёямиз? Ўзимиз яшаб турган ҳудудни ифлослантиришдан наҳотки виждонимиз қийналмас?

Ҳар кунни тонгда Адиблар хиёбонини кезаман. Ҳозир айни баҳор фасли эмасми, катталар, айниқса, ёшлар жуфт-жуфт бўлиб сайр қилиб, кўнгли ёзишади. Қўлида эрмак қилишга ёгулки, музқаймоқми, пистами бўлади. Тонгда боққа чиққанимда аввал кўзим тушган нарса – чиқинди идишларини чиқиндиларга тўлиб-тошиб ётгани бўлади. Ўриндиқларга қистирилган қоғозлар, майсалар устига ташланган нарсаларни-ку, қўяверинг.

Савол туғилади: нега ҳозирги ёшлар бунча бепарво ва лоқайд? Ям-яшил боғларга кўнгли чоғлагани келиб, нега бу гўзалликларни авайлаб-асраш ўрнига аксинча йўл туттишади? Улар оилада ёки таълим масканларида «Табиатни асранг ва эъзоз-



ланг!»

«Май-

саларни пай-

ҳон қилманг, дарахт-

ларни

«Яшил оламни эъзозланг!» каби ўғитларни эшитишмаганми?

Баъзи маҳаллалардан ўтганда, кўзинг яшнайди. Шундай масканлардан бири шаҳар марказидаги «Камолон дарвоза»дир. Худуднинг қайси кўчасидан ўтманг, эшиклар олди ва кўчалар чинидек озода, бир парчагина майдончада дов-да-рахтлар, гуллар барқ уриб турганига дуч келасиз. Албатта, бу каби маҳаллалар пойтахтимизда бисёр. Бу борада бекатдаги йўловчиларнинг фикрини сўрайман:

**Дилмурод Рахимов, иқтисодчи:**

– Болаларимизга боғча давридаёқ экологик маданиятни ўратилиши бошлаш керак. Қаранг, ҳозирнинг ўзида автобустан тушсанлар кўлидаги йўл чиптасини ера улоқтиришяпти. Катта одамларда йўқ экологик маданиятни

қандай қилиб ёшлардан талаб қилиш мумкин? Ҳолбуки, ривожланган давлатларда шу нарсалар учун яхшигина жарима солинади.

**Нафиса Розикова, шифокор:**

– Тозаликка ташкилот ва муассасалар, масъул идоралар, ҳар бир фуқаро бирдек масъулият билан қарамас экан, чор-атрофимизда чиқиндилар тўпланиши ва табиатга зарар келтириш ҳолатлари учрайверади.

**Раҳматилла ака (60 ёш), такси ҳайдовчиси:**

– Ҳайдовчилик фаолиятим мобайнида кўп кузатаман. Ёшлар, у автомашина, автобус ёки юк машинасини бошқарадими, тановул қилган езуликлари идишини йўл четида улоқтиришяпти. Шунини машинадан тушганимда чиқинди идишига ташласанг, асаканг кетмайди-ку, дейман ўзимга-ўзим. Бунини ёш ҳайдовчиларга кўп уқтираман.

Она заминни бир парча ҳовли деб оладиган бўлсак, бугунги кунда унинг тўртдан бир қисми чиқиндига тўлмоқда. Бу дегани, дунёда экологик муҳит кундан-кун бепарқлик оқибатида ифлосланяпти.

Энг ёмони, бизга Тангри таоло инъом этган табиат салбий томонга ўзгарапти. Натижанда саломатлигимизга пупур етиб, айниқса, аллергия

касаликлар, қон босими ва бошқа хасталиклар кўпаймоқда. Қисқаси, ўзимизга-ўзимиз зарар етказаятганимизни англашга келганда...

Аслида, аҳоли гавжум жойлар, кўча ёки чиқинди қутиларида вақтида олинмай ачиб-бижғиб ётган чиқиндиларни кўриб, индамай ўтиб кетишга ҳақимиз йўқ. Керак бўлса, ҳар бир фуқаро бундай ҳолатни кўриб, тегишли ташкилот ёки масъул идораларга маълум қилишга ҳақли. Келинлар, ўз саломатлигимиз, келажакимиз ва она табиатнинг тақдирига бепарқ бўлмайлик.

**Она юрт бағрида топаймиз роҳат, Яшиллик, ободлик ўзи катта бахт, Эй, инсон, етказма унга жароҳат, Гулласса табият, имкон бизники, Асрасак, шу олам, даврон бизники.**

**Тўрт фасл турларан кўзларимизда, Қувончлар балқиди юзларимизда. Мамнулик янрағай сўзларимизда, Гулласса табият, имкон бизники, Асрасак, шу олам, даврон бизники...**

**Марям АҲМЕДОВА,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
журналист

## Хоразм вилояти



## Муносабат

# ХОРАЗМЛИКЛАРНИ РУҲЛАНТИРГАН ТАШРИФ

Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгазининг навбатдан ташқари сессиясида вилоят фаоллари қаторида қатнашдим. Давлатимиз раҳбари жонқуярлик билан билдирган фикрлар ва тилга олган рақамлар кўпчилик қатори мени ҳам руҳлантирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентнинг Хоразм вилоятига ҳар бир ташрифи воҳа аҳли учун янги бир даврни бошлаб беради. Ҳар бир ташрифнинг амалий самараси қисқа фурсатда халқнинг кўз олдида намоён бўлади.

2022 йил якунларига кўра, вилоятда 2016 йилга нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 триллион 802 миллиард 700 миллион сўмдан 18 триллион 325 миллиард 800 миллион сўмга, экспорт ҳажми эса 95 миллион 600 минг доллардан, 245 миллион 200 минг долларга етган. Рақамлар орасидаги катта фарқ кейинги йилларда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти қанчалик юксалганидан далolat беради.

Мақтабгача таълимдан олий таълимгача бўлган тизимнинг тубдан ислоҳ қилингани мамлакатнинг эртанги кунига мустақкам пойдевор қўйилганидан далolatдир. Хоразм вилоятида 2016 йилда 21,6 фоиз болалар мақтабгача таълимга қамраб олинган бўлса, эндиликда бу рақам 79 фоизни ташкил қилмоқда.

Бундан олти йил муқаддам вилоятда 3 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатарди. Ҳозир уларнинг сони ўн тага яқинлашди. Бу эса ҳудуднинг кадрлар салоҳиятини мустақкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзим узоқ йиллар Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида талабаларга сабоқ берганман. Шу боис олий маълумотли кадрларга эҳтиёжни қондирмасдан туриб, ҳеч бир тармоқни ривожлантириб бўл-

маслигини яхши биламан. Эндиликда Хоразмдаги олий ўқув юртларида Туркманистон, Россия, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа давлатлардан ёшлар келиб, тахсил олишмоқда. Демак, биздаги таълим сифати бошқа давлатларникидан қолишмайди.

Сир эмаски, яқин ўтмишда илмий тадқиқот олиб борган олимларнинг илмий даража олиши ниҳоятда мураккаб эди. Бунинг оқибатида қанчадан-қанча салоҳиятли ёшлар илмий изланишларини тўхтатишга мажбур бўлишган. Кейинги йилларда илм-фанга эътиборнинг кучайиши илмга иштиёқманд ёшларимизни тўлқинлантирди.

Умуман, воҳада ислоҳотлар кўлами ниҳоятда кенг. Ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Барча жабҳалардаги ангиланишлар янги иш ўринлари яратилишини кафолатламоқда. Маълумотларга кўра, вилоятда аҳолининг иш билан таъминланганлиги 2016 йилда 31 минг 600 минг кишини ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 371 минг 300 нафарга етган. Бу, шубҳасиз, шунча инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси кафолатланганини аңглатади.

Дарҳақиқат, ижтимоий ҳимояга қаратилётган улкан эътибор аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланишига хизмат қилмоқда. Бу борада кекса авлод вакиллари ҳам эътибор бўлакча. Масалан, қорақалпоғистонлик ва хоразмлик пенсионерларга 2017 йилдан буён Тошкент шаҳрига бориб келишда авиа ва поезд чипталари учун 50 фоиз чегирма белгиланди. Мана шу имконият туфайли

олис ҳудудлар пенсионерлари Тошкентга кўнгиллари тусанган вақтда бориб келишмоқда.

Дилимиздаги тилимизга кўчаётгани, рўзгоримиз бут бўлаётгани, орзуларимиз ушалаётгани ислоҳотлар самарасидир. Давлатимиз раҳбарининг сессиядаги маърузасини, берган топшириқларини эшитиб, яқин йилларда натижалар янада салмоқли бўлишига ишончим ортди. Боиси, Хоразмда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга 2023 йил давлат дастурларида кўзда тутилган 1,5 триллион сўмга қўшимча 400 миллиард сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга яна 150 миллиард сўм ажратиладиган бўлди. Аграр соҳа, ичимлик сув ва тадбиркорлик лойиҳаларига қўшимча 475 миллион доллар жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

25 та мактабни парта билан таъминлашга 30 миллиард сўм, 100 та мактабдаги компьютер синфлари учун 20 миллиард сўм, 9 та тиббиёт муассасасини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, вилоят ҳамда Янгибозор ва Бўғот перинатал марказларига 3 та реанимобиль етказиб бериш, йил якунигача авария ҳолатидаги 14 та кўприкни реконструкция қилиш, 2023 йилда вилоятдаги маҳаллий йўлларни тўлиқ таъмирлаш учун 90 миллион доллар йўналтирилди деган бўлди. Буларнинг барчаси инсон қадрли, таълим сифати ва халқ фаровонлиги учун, албатта.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг Хоразм вилоятига қилган бу галги ташрифи ҳам халқимизнинг ҳаёт даражасини янада яхшилашга, воҳа жозибадорлигини оширишга хизмат қилишига ишонамиз. Бу жараёнда биз ҳам фаол иштирок этамиз.

**Раҳимберган МАТРАСУЛОВ,**

Хоразм вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи, техника фанлари номзоди

## Тошкент шаҳри

## Эътироф

# КЕЛГУСИДАГИ РЕЖАЛАР ЯНАДА ЮКСАК



Ўзбекистон Республикаси Президентини Тошкент шаҳар халқ қабулхонаси ва Табиат ресурслари вазирлиги Рамазон ойини кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида «Кўзи оқиллар босмаси» давлат унитар корхонаси ходимлари учун ифторлик дастурхони ёзди.

– Жамоада меҳрибон, саҳий инсонлар кўп. Бу бу ерда ишлаётганимдан бахтиёрман, – дейди корхона муқовачиси Сабоҳат Зокирова. – Бугунги тадбирдан ниҳоятда хурсанд бўлдим. Бизга Шайхонтоҳур тумани «Камолон» МФЙ ҳоким ёрдамчиси ва тадбиркор Абумалик Ваҳобов ҳамisha ёрдам қўлини чўзиб туради.

Узоқ йиллардан буён брайль алифбосида дарслик, ўқув қўлланмалари, диний адабиётлар чоп этиб келаётган босмахонада ҳозир 20 нафардан зиёд ноғиронлиги бор шахслар фаолият олиб бормоқда. Нашрлар нусхалари МДҲ давлатлари, шунинг-

**Комила БОЙМУРОВА**

«ISHONCH»

# БУГУН...

## 32 миллион долларлик жарима

Жанубий Корея адолатли савдо комиссияси (KFTC) Google корпорациясини 42,1 миллиард вон (31,9 миллион доллар) миқдорда жаримага тортиди, дея хабар бермоқда Yonhap агентлиги.

Бунга сабаб сифатида мазкур компаниянинг мобил уйинлар бозорида рақобатни бузгани кўрсатилмоқда. Қайд этилишича, 2016 йил июндан то 2018 йилнинг апрель ойигача Google рақобатчиси Жанубий Кореянинг One Store иловалар дўкони аҳолини ёмонлаштириш учун нашрларга Google Play илова дўконида эксклюзив ўйинларни чиқариш эвазига ўйин ичида реклама жойлаштиришни тақдим этиб келган.

Натижада икки йил ичида Google нинг Жанубий Корея иловалар дўкони орасидаги улуши 80-85 фоиздан 90-95 фоизгача ошган, One Store улуши эса 15-20 фоиздан 5-10 фоизгача қисқарган.



## «Омикрон»ни блокловчи антитана



Қатардаги Уэйл Корнелл тиббиёт коллежи тадқиқотчилари «SARS-CoV-2»нинг барча штаммлари, хусусан, «омикрон»ни блокловчи «S728-1157» номли янги антитанани топишганини маълум қилишди.

Жониворларда ўтказилган дастлабки синовлар шунини кўрсатдики, ушбу антитаналар орқали амалга ошириладиган муолажа бурун бўшлиғи ва ўпкада вирусли заррачалар миқдорини камайтириш имконини беради.

Олимлар ҳулосасига кўра, S728-1157 антитанаси коронавируснинг янги мутациялари пайдо бўлиши билан самарадорлиги пасайиб бораётган анъанавий моноклонал даволаш усулининг муқобили бўлиши мумкин.

Янгилик навбатдаги босқичда инсонларда клиник синовдан муваффақиятли ўтиши керак. Шундан сўнг у тиббий амалиётга татбиқ этилиши мумкин.

## Қутилмаган қор

Саудия Арабистонининг бир неча ҳудудда қутилмаганда кучли қор ёғди, дея хабар бермоқда Euronews агентлиги. Хусусан, Ал-Баха округи катта зарар кўрган. Йўлларнинг катта қисми ёпилиб, машиналар қор уюмларига тиқилиб қолган. Йўлларни тозалаш учун оғир қурилиш техникалари жалб қилингани айтилмоқда.

Ал-Баха таълим департаменти мактаб ўқувчиларини икки кунга уйда қолишга ва масофадан туриб ўқишга чақирган, чунки ўқувчилар ва ўқитувчилар ўқув муассасаларига етиб бориши қийин бўлмоқда, дейилади хабарда.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

«Ёзилмаган ҳикоялар» туркумидан

# Ташлаб юборилган ЯШИК

Талаблик йиллари пойтахтнинг кексалар «Қурбақа-обод», ёшлар «Штаб» деб атайдиган даҳасидаги ҳовлилардан бирида ижарада турганмиз. Бор-йўғи бир хона. Қишда эшикни очишингиз билан совуқ худди шуни кутиб тургандай, ўзини ичкарига уради. Хона ичи совуққа тўлади. Шу ҳовлида бир неча йил яшаб, болаларни катта қилдик. Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари матбуотда эълон қилинган кўплаб мақолаларим ижара уйида, аниқроғи, хона ўртасига қўйилган, кундузи бир четга суриб қўйиладиган... чой яшик устида ёзилган.

Яшикни «Бекобод» маҳалласига кираверишдаги озик-овқат дўкони мудирдан нақд уч сўмга сотиб олгандим. Ҳинд чойидан бўшаган яшикни икки сўмга бермагани учун ундан анча вақт ранжиб юрдим.

Яшикни уйга олиб келиб, чор атрофини рангли қоғозлар билан безадим. Эрталаб, кечкурун устига дастурхон ёзиб овқатланамиз, болалар ухлаганидан кейин эса у мен учун ижод столига айланади.

Орадан бир-икки йил ўтгач, яшик эскириб, бир томонга қийшайадиган бўлиб қолди. Овқатланиш қийин, ёзиш мушкул. Озроқ тахта топиб, ичини иккига бўлдим. Тепа қисмида нон, чой, қанд-курс, пастки қисмида чойнак-пиёла, идиш-товоқ турадиган кўлбола мебелга айланди-қўйди. Шу мақомда у бизга яна бир неча йил хизмат қилди. Аммо... яна лиқиллай бошлади. Даҳлизга олиб чиқиб, гуруч, ун, макарон, ёғ сақлайдиган идишга айланттирдим. Бу «ихтиро» дан ҳам кўп фойда кўрдик.

Ниҳоят, бизга шаҳарнинг бошқа бир четидан уч хонали уй беришди. Янги уйга кўчиб кетаётганим, чой яшикни машинага юклаб, ўзимиз билан олиб кетдик. Унга балкандан жой тегди. Энди унда болаларнинг пой-абзаллари, қорамой, чўтка турадиган бўлди.

Орадан икки йил ўтиб, яшик бутунлай яроқсиз ҳолга келди. Мих қоқилмаган жойи қолмади. Четларидаги энсиз ҳошия тунука қайрилиб, болаларнинг қўлини тирнайдиган бўлиб қолди. Ташлаб юборишдан бошқа илож қолмади.

Бир куни эрталаб яшикни кўтариб, ҳовлига олиб чиқдим. Чиқит тўкиладиган жойнинг бир четига қўйиб, уйга қайтдим. Кийиниб ишга отландим. Хизмат машинасига ўтираётганим, кўзим чой яшикка тушиб қолди. У менга «Ҳа, ҳўжайин, керак бўлмай қолдикми энди, майли, зоримиз бор, зўримиз

йўқ», дея отасини соғинган боладай мўлтираб турарди.

Кўнглим бузилиб кетди. Йўлга чиқиб бўлганмиз, орқага қайтай десам, ҳайдовчининг олдида нокулай. Худди гуноҳ иш қилиб қўйган одамдай хаёлларим чуваллашиб иш-хонага келдим. Лекин ишлаш олмадим. Кўзимга чой яшикдан бошқа нарса кўринмайди. Тушликка яқин машинани чақирдим. «Ҳозир бориб яшикни уйга олиб чиқиб кўяман».

Катта йўлдан ҳовлимиз томонга бурилишимиз билан чиқиндиҳонага қарадим – яшик йўқ, кимдир олиб кетган бўлса керак.

Кейинчалик уч хонали уйимизга «стенка», ошхона мебели, стол-стул сотиб олдик. Ана, улар қанча жойни эгаллаб, савлат тўкиб турибди, лекин чой яшик қилган хизматнинг ундан бирини ҳам қилгани йўқ...

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган журналист

## «OPEN BUDGET»

учун овоз йиғиш туфайли жазоланган директор нимадан норози?

Ижтимоий тармоқларда Навбаҳор туманидаги 9-умумтаълим мактаби директори Дилдора Туропованинг ўқитувчиларни «Ташаббусли бюджет»га овоз йиғиш учун мажбурлагани ва устозларга қарата «Қонингни ичман», дея пўписа қилгани акс этган аудиоёзув шов-шувга сабаб бўлганди. Директорга ҳайфсан берилиб, 30 миллион сўмлик жаримага тортилди.

Шу билан масала ниҳоясига етгандек бўлди, шов-шувлар ҳам босилгандек. Аммо... Яқинда айнан шу масала юзасидан мактаб директори Дилдора Туропова билан телефон орқали суҳбатлашдик. (Саломатлиги сабаб юзма-юз учрашишнинг иложи бўлмади).

– Мен ўзим ёки оилам учун «Open budget»га овоз йиғинлар, демаганман, – деди у. – Афсуски, қаттиқроқ гапирмасангиз, ҳамма ўқитувчи ҳам масалани дарҳол тушунмайди. Шунинг учун бироз жаҳлим чиққанди. Мактабимизнинг аҳоли жуда ноқар. Таълим даргоҳимизни яхшилаш учун шунга мажбур бўлдим. 1000 нафардан ортиқ ўқувчи, 150 нафардан кўп ўқитувчи бор. Улар 14 та эски компьютердан фойдаланишади. Парталар ҳам анча абгор ҳолатда. Хуллас, замонавий билим беришга ҳеч қандай шароит йўқ. Мутасаддиларга бу бўйича кўп марта мурожаат қилганмиз, аммо натижа бўлмаган.

Суҳбат асносида директор тайинланган жазодан норозилигини ҳам айтиб ўтди.

– Мен-ку, ўттиз миллион сўмлик жаримани тўлайман, аммо мантиқ ва адолат қани бу масалада? Икки нафар фарзандим бор. Каттаси институтда, кичиги 10-синфда ўқийди. Менинг ҳам ўзимга яраша ташвишим бор. Яна мактаб муаммоси. Синфхоналар етмаётгани сабабли яқинда мактабимиз худудидан яна битта бино куришиди. Аммо унинг ичини ўқув жиҳозлари билан тўлдиришни ҳеч ким ўйлаётгани йўқ. Бунисига ҳам ўзим балоғардонман...

Ёзиришлардан сездикки, директор берилган жазодан бироз норози кайфиятда. Биз ҳам ўйлаб қолдик. Аслида айб кимда? Директордами ёки таълим мутасаддиларида?

Менимча, «Қарс икки қўлдан чиқади», деган нақл бежиз айтилмаган. **Маълумот ўрнида.** Мазкур мактаб «Ташаббусли бюджет»да етарли овоз тўплаб, ютиб чиқди. Кейинги ҳафтада мактабга турли ўқув-жиҳозлари келтирилиши кутилмоқда.

Нормурод МУСОМОВ  
«ISHONCH»

# Бугунги кун оталари

Мулоҳаза учун мавзу

Болалигида ҳамма ўз отасини барча ишга ва айtilган истакларни бекаму қўст муҳайё қилишга қодир инсон деб билади. Аслида ҳам шундай.

Оталаримиз бизни едириб-ичиради, моддий таъминлайди, ўқитади. Вояга етганимиздан сўнг биз учун кўйиб-пишишда давом этади, йиқилсак, тиргак бўлади, қўйингни, борини бизга бағишлайди. Лекин бугунги кунда...



Яшаш-мақсадимиз шу қадар моддийлашиб кетдики, биринчи галда яхши еб-ичиш, яхши кийиниш, уй-жой, машина, тўй-ҳашам ташвишида юрамиз. Инсонларнинг жамиятдаги обрў-этибори ҳам шулар билан улчанадиган бўлиб қолди.

Бу «орзу-ҳавас» лар катта маблағ талаб қилади. Шу боис оила бошиқлари 2-3 жойда, баъзан дам олиш кунлари ҳам ишлашга мажбур бўлишмоқда. Табиийки, бундай ҳолатларда уларда оила билан шугулланишга вақт ҳам, истак ҳам камаяди. Ҳўш, бу ҳолатда эркак қандай йўл тутиши керак? Вақтини, имкониятини қандай тақсим этса, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади? Балки оталарга ҳам кўмак керакдир...

Бу ҳақда **Тошкент Давлат шарқшунослик университетининг Педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси Рафаиль Бахтиёров шундай дейди:**

– Бугун кўпчилик оталар фарзандлари билан юзма-юз суҳбатлашиш, улардаги ўзгаришларни пайқаш ва уларга ўрнатилган бўлиш каби имкониятлардан маҳрум бўлиб қолишяпти. Бу нарса боллага таъсир ўтказмасдан қолмайди. Ҳолбуки, айни ўсмирлик даврида ўғил боллага ота ўрнатилган керак.

Ота назорат қилмагач, аксар оилаларда юкнинг оғири онага тушяпти. Натижада ота-оналар ўртасида келишимовчилик юзага келяпти. Болалар тасаввурда фақат она образи шаклланиб қоляпти. Оилада отанинг ўрни сусайиб борапти. Аммо оталарнинг ҳаммаси ҳам оиласига, фарзандларига вақт ажратмаяпти, дейиш нотўғри. Оталарнинг вақти фақат ҳар жихатдан алоқадор ражада

бажараётганлар ҳам кўп. Намунали ота бўлиш инсоннинг ўзига боғлиқ. Япониялик бир олим умримизнинг бир фоизини яшанбалар ташкил этишини ва мана шу бир фоиздан унумли фойдаланиш зарурлигини айтган. Биз ҳам ота сифатида яшанбалардан самарали фойдалансак, нур устига нур бўларди.

Отага ҳам маънавий қўллаб-қувватлов керак. Агар эркаклар турмуш ўртоғидан яхши сўзлар эшитиб турса, рағбат сезиб, депрессияга камроқ тушибди. Ҳозир турли муаммолар натижасида эркакларда тушунлиққа тушиб қолишлари кузатиляпти. Аёллар бундай вақтларда уларни қўллаб-қувватлаш ҳам қарз, ҳам фарз. Машҳур кишиларнинг, буюк шахсларнинг ютуқларида аёлларнинг ҳиссаси катта эканлиги бунга бир мисол.

Дарҳақиқат, оилада отанинг обрўси, энг аввало, уни она қанчалик ҳурмат қилишига боғлиқ. Мутахассисларнинг фикрига кўра, оилада отанинг ўрни кучсизланиши, бу катта ижтимоий фожиадир. Ҳозир баъзи оила беккалари эрларидан кўпроқ пул топиши, орзу-ҳавасларини амалга ошириш иштиёқидалар. Агар эрнинг имкони етмай қолса, уни фарзандлари, ҳатто яқин қариндошлари олдида изза қилиш, турли бахоналар билан жанжал чиқариш тўғрима-да, ахир! Бундай оилаларда қандай болалар вояга етади? Табиийки, отанинг ҳолатини кўриб, ўзига ишонмайдиган, турмуш ўртоғини ҳурмат қилмайдиган яна бир қатлам юзага келади.

– Илгари отанинг топганига она қаноат қилган, – дейди ўқитувчи **Абдувоҳид Боймуродов.** – Рўзгорни бут қилиш, фарзандларини кам-кўстсиз ўстириш бугун ҳам аксар ҳолларда оталарнинг зиммасида. Оила беккалари эркакнинг машаққат билан топган мол-дунёсини юзага чиқариши, вақти келса, уни тежаб-тергаб ишлатишни билиши керак.

Лекин, сир эмаски, оталар орасида вақтини телефон, телевизор, компьютерга термулиб ўтказадиганлар ҳам талайгина. Кўпчилик бугунги ёшлар тарбиясида оталарнинг ўрни сустлашиб бораётганини шу билан изоҳлашади. Бу ҳам асосли эътироз. Биз фарзандларимизни нима ўйлантираётгани, улар нима билан машғул эканлиги билан эмас, атрофимизда ни-

малар рўй бераётгани, жамиятдаги янгиликлар билан кўпроқ қизиқамиз. Ёки ижтимоий тармоқларда ўзларини кўз-кўз қилаётган танишларимизнинг ҳаётларини кузатиш билан вақт ўтказамиз. Ёнгинамизда, оиламизда яқинларимиз, болаларимиз нималар ўйлаётгани ёки уларни нималар ташвишлантираётгани билан қизиқмаймиз.

**Баҳодир Раҳматуллоҳнинг «Ота бўлиш осонми?» деб аталган рисолисида шундай фикрлар келтирилади:**

Оилада раҳбар эркак кишидир. Отадан ўз қарамоғидаги жуфти ҳалолу ва фарзандлари ҳақида қиёматда сўралади. Лекин, афсуски, баъзи оталар оталик масъулияти деганда, фақатгина фарзандларини едириб-ичириш, уларга энг яхши кийим-кечакни олиб бериш, уларни ҳеч бир тендоидидан кам бўлмағи юришига эришиш деб ўйлашади. Ҳолбуки, оталик масъулияти, аввало, уларнинг ўзлари тарбияли, диннаптли бўлиши ҳолда фарзандларини ҳам шу руҳда вояга етказиши талаб этади.

Мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар сўралган эркаклар орасида ҳам маънавий, ҳам руҳий қўллаб-қувватлаш марказлари, ўғил болалар учун уларни оилага, оталикка тайёрлаш курслари зарур, дегувчилар бўлди. Ахир оталарни ўйлантираётган масалалар, муаммолар бор.

Зеро, бор ҳақиқат шунки, оталар ўзлари учун эмас, оиласи, фарзандлари қайғусида яшайдилар. Болам ўқимасин, яхши жойларда ўқисин, ҳаётда ўз ўрнини топсин, дея бутун умрини меҳнатда ўтказган ва ўтказмаётган оталар суяч тоғларимиздир. Шу ўринда Абдулла Ориповнинг «Ота дуоси» шеърисида қуйидаги мисралар беихтиёр ёдимизга тушади:

**Ўғлим, сўрамасан сендан мол-дунё,  
Уй ҳам қуриб берма, майли, аломат.  
Майли, кузларимга бўлмагил зиё,  
Ёнимда юрсанг бас, соғу саломат.**

Аминимизки, бугунги кун оталари ҳам худди шу дуо билан яшамокдалар...

Гулруҳбегим ОДАШБОВА  
«ISHONCH»

МУАССИС:



ISSN 2010-5809  
2007-yil 11-yanvarda  
O'zbekiston  
Matbuot va axborot  
agentligida  
116-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va  
«Ishonch-Dovepue»  
gazetalari  
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV  
(tahrir hay'ati raisi),  
Ulug'bek JALMENOVI,  
Anvar ABDUMUXTOROV,  
Sayfullo AHMEDOV,  
Akmal SAIDOV,  
Ravshan BEDILOV,  
Qutlimurot SOBIROV,  
Suhrob RAFIQOV,  
Shoqsim SHOISLOMOV,  
Hamidulla PIRIMQULOV,  
Nodira G' OYIBNAZAROVA,  
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning  
birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV

(Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK

(Mas'ul kotib – «Ishonch-Dovepue»)

Bosh muharrir  
Husan ERMATOV

Bo'limlar:  
Kasaba uyushmalari hayoti –  
(71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot –  
(71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy  
qadriyatlar va sport –  
(71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar  
bilan ishlash –  
(71) 256-85-43  
Marketing va obuna –  
(71) 256-87-73

Hududlardagi  
muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi –  
(+998-97) 506-86-98  
Andijon viloyati –  
(+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati –  
(+998-91) 406-43-24  
Jizzax viloyati –  
(+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati –  
(+998-99) 889-98-02  
Navoiy viloyati –  
(+998-99) 889-90-28  
Samarqand viloyati –  
(+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati –  
(+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati –  
(+998-99) 889-90-32  
Farg'ona viloyati –  
(+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati –  
(+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati –  
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan  
ma'lumotlarda manba  
sifatida gazetta nomi ko'rsatilishi shart.

Mualliflar fikri tahririyat  
nuqtai nazaridan  
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:  
A. Haydarov

Musahhihlar:  
D. Xudoyberganova,  
D. Ravshanova

Sahifalovchi:  
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 18:00  
Topshirildi – 18:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:  
100165, Toshkent shahri,  
Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
ATIB «Ipoteka bank»  
Yashnobod filiali,  
bank kodi: 00959,  
STIR: 201133889,  
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba,  
payshanba va shanba  
kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning  
kompyuter markazida  
terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida,  
A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Buyurtma G-413  
Nashr ko'rsatkichi: 133

1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 31278

14505 nusxasi «Sharq»  
nashriyot-matbaa aksiyadorlik  
kompaniyasi bosmaxonasida  
chop etildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri,  
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.